

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТРАДА САНЪАТИ: ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ, ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТДАГИ ЎРНИ



Музаффар Алишерович Сайфуллаев

Мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V6-05-16>

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда эстрада санъатининг шаклланиш тарихи, миллий ижрочилик мактабининг вужудга келиши, мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилган ислохотлар ҳамда бугунги тараққиёт тенденциялари таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий эстрадада халқ мусиқаси анъаналари билан замонавий жаҳон мусиқаси услубларининг уйғунлашуви, эстрада ижрочилигида миллийлик ва замонавийлик нисбати ҳамда ёш авлод маънавий тарбиясида эстрада санъатининг ўрни илмий нуқтаи назардан ёритилган. Мақолада Ботир Зокиров асос солган миллий профессионал эстрада мактабининг шаклланиши, кейинги авлод ижодкорлари фаолияти ҳамда давлат томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг аҳамияти очиқ берилган. Шу билан бирга, глобаллашув, рақамли платформалар ва шоу-бизнеснинг ривожланиши шароитида миллий эстрада олдида турган асосий муаммолар ҳамда уларни ҳал этишнинг илмий-назарий асослари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: эстрада санъати, миллий маданият, оммавий мусиқа, Ботир Зокиров, миллий эстрада, халқ мусиқаси, маданий мерос, оммавий-маданият, ижрочилик, шоу-бизнес, миллий кадрлар, маънавият.

Аннотация: В статье исследуются история становления узбекского эстрадного искусства, особенности формирования национальной исполнительской школы и современные тенденции развития эстрады в условиях независимости. Рассматриваются процессы взаимодействия национальных музыкальных традиций и современных мировых музыкальных направлений, а также роль эстрады в духовно-нравственном воспитании молодежи. Особое внимание уделено творческому наследию Батыра Закирова, государственной культурной политике и перспективам дальнейшего развития национальной эстрады.

Ключевые слова: эстрада, музыкальное искусство, национальная культура, Батыр Закиров, музыкальное наследие, исполнительство.

Abstract: This article examines the historical formation of Uzbek pop music, the establishment of the national school of pop performance, and the development of the industry during the years of independence. The study analyzes the interaction between traditional folk music and contemporary global musical trends, as well as the role of pop music in shaping national identity and the spiritual education of young people. Special attention is paid to the contribution of Botir Zokirov, the activities of state cultural institutions, and current challenges such as globalization, digitalization, commercialization, and the preservation of national musical traditions. The article also proposes practical recommendations for improving the artistic quality and sustainable development of Uzbek pop music.

Keywords: Uzbek pop music, national culture, music art, Botir Zokirov, cultural heritage, performance, globalization, digital technologies.

Замонавий жамиятда мусиқа, хусусан эстрада санъати, инсоннинг маънавий дунёси ва эстетик қарашларига таъсир этувчи муҳим маданий омил ҳисобланади. Ўзбек эстрадаси бугун миллий қадриятлар ва замонавий тенденциялар уйғунлиги асосида ривожланиб, рақамли технологиялар ва ахборот платформалари орқали кенг аудиторияга чиқмоқда. Шу билан бирга, миллий ўзига хосликни сақлаш, ижрочилик маҳорати ва бадиий сифатни таъминлаш соҳанинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда миллий эстрада санъати XX асрнинг иккинчи ярмида профессионал йўналиш сифатида шаклланди. Унинг ривожланишида халқ қўшиқчилиги, мақом, лапар, ялла, ашулачилик каби миллий мусиқий анъаналар муҳим пойдевор вазифасини бажарди. Шу билан бирга, Европа мусиқа маданияти, симфоник оркестрлар, джаз, эстрада ва замонавий композиция услубларининг кириб келиши миллий ижрочиликда янги йўналишларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Миллий эстрадани ривожлантириш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, ижодий муҳитни такомиллаштириш ҳамда миллий мусиқий меросни асраб-авайлашга қаратилган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори миллий эстрада тарихи ва унинг асосчиларини чуқур ўрганишга янги туртки берди.

Глобаллашув жараёнида оммавий мусиқанинг халқаро интерпацияси миллий эстрада олдида янги талабларни қўймоқда. Бир томондан, жаҳон мусиқий тажрибасини ўзлаштириш ижодий имкониятларни кенгайтирса, иккинчи томондан, миллий мусиқий услуб ва қадриятларни сақлаб қолиш заруратини янада кучайтирмоқда. Шу нуқтаи назардан, ўзбек миллий эстрадасининг шаклланиш тарихи, замонавий ривожланиш босқичлари ва истиқболини санъатшунослик ҳамда маданиятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мақоланинг асосий мақсади — Ўзбекистон миллий эстрада санъатининг тарихи ва замонавий тараққиёт босқичларини таҳлил қилиш, унинг миллий маданият тизимидаги ўрнини аниқлаш ҳамда бугунги кунда соҳа ривожига таъсир кўрсатаётган ижобий ва салбий омилларни илмий жиҳатдан баҳолашдан иборат.

Ўзбекистонда эстрада санъати шаклланиши узок тарихий тараққиёт жараёнининг маҳсули ҳисобланади. “Эстрада” атамаси миллий маданиятимизга XX асрда кириб келган бўлса-да, унинг илдизлари халқ оғзаки ижоди, халқ томошалари, кўғирчоқ театри, қизикчилик, дорбозлик, лапар, ялла, мақом ва халқ қўшиқчилиги каби анъанавий санъат турлари билан узвий боғлиқдир. Ана шу бой миллий мерос кейинчалик профессионал эстрада ижрочилиги шаклланишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

XX асрнинг 30–40-йилларига келиб Ўзбекистонда профессионал сахна маданияти ривожлана бошлади. Миллий театрлар, филармония жамоалари, симфоник оркестрлар ҳамда концерт ташкилотлари фаолияти янги мусиқий йўналишларнинг пайдо бўлиши учун замин яратди. Шу даврда халқ куйлари ва миллий ижрочилик анъаналари замонавий оркестрлар ҳамроҳлигида ижро этила бошлади. Бу жараён миллий мусиқанинг сахнавий шакллариини бойитишга хизмат қилди.

Миллий эстрада санъати тараққиётида Ўзбекистон халқ артистлари Тамарахоним ва Уста Олим Комиловнинг хизматлари беқиёсдир. Улар миллий рақс, халқ қўшиқлари ва анъанавий ижро услубларини замонавий сахна маданияти билан уйғунлаштириб, кейинги авлод ижодкорлари учун ўзига хос ижодий мактаб яратдилар. Уларнинг ижоди миллийлик ва сахна маданиятининг уйғунлиги намунаси сифатида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1960-йилларга келиб ўзбек эстрадаси янги тараққиёт босқичига қўтарилди. Бу давр миллий профессионал эстраданинг шаклланиш даври сифатида баҳоланади. Айниқса, Ботир Зокировнинг ижодий фаолияти нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мусиқа

маданиятида ҳам янги босқични бошлаб берди. У миллий қўшиқчилик анъаналарини жаҳон эстрадаси тажрибалари билан уйғунлаштириб, ўзбек эстрадасининг профессионал мактабини шакллантирди.

Ботир Зокиров ижросидаги қўшиқларда миллий куйлар, шарқона мусикий оҳанглар ва Европа вокал техникасининг ўзаро уйғунлашуви кузатилади. Унинг сахна маданияти, ижро маҳорати, бир нечта хорижий тилларда куйлаши ва мусикий драматургияга ёндашуви кейинги авлод хонандлари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Шу жиҳатдан Ботир Зокиров нафақат машҳур хонанда, балки миллий эстрада мактабининг асосчиси сифатида ҳам эътироф этилади.

1970–1980-йилларда Ўзбекистон мусиқа ҳаётида эстрада санъатининг янги шакллари, жумладан, бит-мусиқа ва вокал-инструментал ансамбллар кенг ривожлана бошлади. Бу даврда ташкил этилган “Тошкент мюзик-холл” жамоаси театрлаштирилган концерт дастурлари, замонавий сахна услуби ва ижодий тажриба мактаби сифатида миллий эстрада таракқиётида муҳим ўрин эгаллади.

XX асрнинг охирига келиб миллий эстрада ижрочилиги мустақил ижодий йўналиш сифатида тўлиқ шаклланди. Республикада профессионал эстрада оркестрлари, вокал ансамбллари, мусикий студиялар ва ижодий жамоалар ташкил этилди. Бу эса мустақиллик йилларида миллий эстраданинг янги босқичга кўтарилиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Миллий эстрада санъати халқ ижоди, миллий мусиқа анъаналари ҳамда жаҳон мусиқа маданияти ютуқларининг табиий уйғунлашуви натижасида шаклланди. Бу жараён кейинги йилларда ўзбек миллий эстрадасининг бетакрор ижодий қиёфасини белгилаб берди ҳамда уни миллий маданиятимизнинг муҳим таркибий қисмига айлантирди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган эстрада асарларининг асосий мавзулари Ватан, истиклол, миллий ғурур, тарихий хотира, она юртга муҳаббат, тинчлик ва инсон қадри каби ғояларни қамраб олди. Бу даврда миллий қўшиқчилик нафақат кўнгилочар санъат, балки маънавий-маърифий тарбиянинг муҳим воситаси сифатида ҳам шаклланди.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо раҳбарлигида ташкил этилган Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши эстрада ижодкорлари олдига қўшиқлар мазмунини бойитиш, миллий мусикий анъаналарни асраш ва юқори бадиий савияни таъминлаш каби муҳим вазифаларни қўйди. Бу жараён миллий қўшиқчиликнинг ғоявий ва эстетик мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида Юлдуз Усмонова, Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Озодбек Назарбеков, Севара Назархон, Гулсанам Мамазоитова, Рашид Ҳаликов каби санъаткорлар ижодида миллийлик ва замонавийликнинг ўзаро уйғунлиги янада кучайди. Улар ижро этган Ватан, халқ, муҳаббат ва инсонпарварлик мавзусидаги қўшиқлар кенг тингловчилар оммаси томонидан илиқ қабул қилинди. Ушбу ижодий жараён ўзбек миллий эстрадасининг мазмун жиҳатидан бойишига ва миллий мусикий маданиятнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилди.

Шу билан бирга, XXI аср бошларидан рақамли технологиялар ва интернет платформаларининг ривожланиши эстрада санъати таракқиётига янги имкониятлар яратди. Илгари асосан телевидение ва радио орқали тарқатилган мусикий асарлар бугунги кунда YouTube, Spotify, Apple Music, Yandex Music ва бошқа рақамли платформалар орқали миллионлаб тингловчиларга етиб бормоқда. Бу ҳолат ижодкорларга халқаро аудиторияга чиқиш имконини берди.

Бироқ рақамли муҳитнинг ривожланиши билан бир қатор янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Аввало, мусикий маҳсулотларнинг тезкор тарқалиши айрим ҳолларда бадиий сифатнинг пасайишига, қисқа муддатли оммабопликка интилишнинг кучайишига олиб келди. Айрим қўшиқларда миллий мусикий анъаналарнинг камайиши, шеърӣ матнлар савиясининг пасайиши ҳамда электрон аранжировканинг сунъий устунлиги кузатилмоқда.

Бу эса миллий эстраданинг бадий қиммати ҳақидаги илмий мунозараларни янада фаоллаштирди.

Шу нуктаи назардан, 2020 йил 2 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори миллий эстрада тарихи ва унинг илмий меросини чуқур ўрганишда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарор доирасида илмий анжуманлар, ижодий кечалар, китоблар, аудиоальбомлар ва кўргазмалар ташкил этилди. Бу тадбирлар миллий эстрада мактабининг тарихи ва унинг маданий аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилди.

Шунингдек, Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий эстрада санъати намояндалари меҳнатини эътироф этиш ва уларнинг ижодий меросини асраб-авайлаш давлат маданий сиёсатида муҳим йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, Президент иштирокида Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг 80 йиллик юбилейининг нишонланиши Зокировлар сулоласининг миллий қўшиқчилик ва эстрада санъати тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига берилган юксак баҳо бўлди. Тантанали тадбирда «Ялла» ансамблининг ўзбек миллий эстрадасидаги ўрни, жамоавий ижрочилик мактабини шакллантиришдаги аҳамияти ва устоз–шогирд анъаналарини ривожлантиришдаги хизматлари алоҳида таъкидланди.

Фаррух Зокировнинг кўп йиллик ижодий фаолияти, миллий санъат ва маданият равнақи йўлидаги хизматлари давлат томонидан юксак баҳоланиб, унга “Буюк хизматлари учун” ордени топширилди. Мазкур эътироф нафақат бир санъаткор ижодига, балки ўзбек эстрада санъатининг миллий маданият тизимидаги ўрни ва аҳамиятига берилган юксак баҳо сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, Фаррух Зокировнинг ижодий меросини келажак авлодга етказиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва профессионал эстрада таълимини ривожлантириш мақсадида Яшнобод туманидаги 7-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабига унинг номи берилиши муҳим маданий ташаббуслардан бири бўлди. Ушбу таълим муассасасида эстрада йўналиши бўйича ижодий лабораториялар, замонавий овоз ёзиш имкониятлари ва устоз–шогирд анъаналари асосидаги машғулотларни йўлга қўйиш миллий эстрада мактабининг давомийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундай ташаббуслар ёш ижодкорларни тайёрлаш, миллий мусиқий меросни замонавий талкинларда ривожлантириш ва ўзбек эстрада санъатининг профессионал асосларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда давлат томонидан маданият соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар натижасида “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси фаолияти ҳам янги босқичга кўтарилди. Муассаса томонидан ташкил этилаётган концертлар, фестиваллар, ижодий танловлар ва маданий лойиҳалар миллий эстрада санъатини тарғиб қилиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ҳамда профессионал ижрочилик маданиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, ёш хонандаларнинг республика ва халқаро танловларда иштирок этиши ҳамда давлат мукофотлари билан рағбатлантирилиши миллий қўшиқчилик мактабининг узлуксизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён устоз–шогирд анъаналарининг давом этишига, миллий ижрочилик маданиятининг янги авлод томонидан муносиб давом эттирилишига замин яратмоқда.

Шу билан бирга, замонавий ўзбек эстрадаси олдида бир қатор долзарб вазифалар ҳам мавжуд. Аввало, миллий мусиқий меросни замонавий шаклларда тарғиб қилиш, жонли ижро маданиятини ривожлантириш, профессионал композиторлар ва шоирлар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда эстрада таълимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллий эстраданинг келажак тараққиёти унинг тижорат муваффақияти билан эмас, балки бадий савияси, миллий руҳи ва маънавий таъсир кучи билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий эстрадаси сифат жиҳатидан янги тараққиёт босқичига кўтарилди. У миллий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида нафақат

кўнгилочар санъат вазифасини, балки жамият маънавиятини юксалтириш, миллий ўзликни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг эстетик дидини шакллантириш каби муҳим ижтимоий вазифаларни ҳам бажариб келмоқда.

XXI асрнинг биринчи чорагида жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари мусиқа маданиятининг барча соҳалари қатори ўзбек миллий эстрадасига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, рақамли платформаларнинг оммалашуви ва ижтимоий тармоқларнинг кенг тарқалиши натижасида мусикий маҳсулотларни яратиш, тарқатиш ва истеъмол қилиш шакллари тубдан ўзгарди. Бу жараён бир томондан ижодкорлар учун кенг имкониятлар яратган бўлса, иккинчи томондан миллий мусикий маданият олдига янги муаммоларни ҳам қўймоқда.

Замонавий ўзбек эстрадасида кузатилаётган энг муҳим тенденциялардан бири — миллий ва хорижий мусикий услубларнинг ўзаро интеграциясидир. Поп, рок, рэп, R&B, электрон мусиқа ва этно-поп каби йўналишлар миллий оҳанглар билан уйғунлашиб, янги ижодий услубларни шакллантирмоқда. Бу жараён табиий маданий алмашинувнинг натижаси бўлса-да, айрим ҳолларда миллий мусикий услубларнинг иккинчи даражага тушиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда айрим ижодкорлар учун қўшиқнинг бадиий қийматидан кўра унинг қисқа вақт ичида оммаланиши устувор аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий тармоқларда миллионлаб кўришлар сони ёки қисқа видеолар учун яратилган мусиқалар баъзан асарнинг эстетик савиясини баҳолаш мезонига айланиб қолмоқда. Бу ҳолат эса профессионал композиторлик, шеърят ва вокал ижрочилик маданиятига нисбатан талабнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Айниқса, репертуар сиёсати бугунги миллий эстраданинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Сифатли қўшиқ, аввало, мазмунан бой шеър, мукамал мусикий драматургия ва профессионал аранжировка асосида яратилади. Айрим ҳолларда шеърӣ матнларнинг соддаланиши кетиши, образли фикрлашнинг камайиши ҳамда бир хил мавзуларнинг такрорланиши миллий қўшиқчиликнинг бадиий савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Замонавий ўзбек эстрадасининг ривожига жонли ижро маданияти, профессионал сахна маҳорати ва вокал техникаси муҳим ўрин тутди. Рақамли технологиялар ижод жараёнини енгиллаштираётган бўлса-да, улар ижодкорнинг бадиий тафаккури ва ҳақиқий ижрочилик маҳорати ўрнини боса олмайди.

Бугунги эстрадада шоу-бизнес ва рақамли платформаларнинг ривожланиши мусиқани кенг аудиторияга етказиш имкониятларини оширмоқда. Шу билан бирга, тижорат манфаатлари ва миллий бадиий кадрлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Сунъий интеллект ва янги технологиялар ижодий жараёнда қўшимча восита сифатида хизмат қилса-да, миллий эстраданинг келажаги ижодий ғоя, миллий руҳ ва юқори ижрочилик маданиятига боғлиқдир.

Ўзбекистонда эстрада санъати миллий маданиятнинг энг фаол ривожланаётган соҳаларидан бири сифатида шаклланиб, бугунги кунда жамиятнинг маънавий-эстетик ҳаётида муҳим ўрин эгалламоқда. Унинг шаклланишида халқ оғзаки ижоди, анъанавий мусиқа, миллий қўшиқчилик мактаби ҳамда жаҳон эстрада санъати ютуқларининг ўзаро уйғунлашуви ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Бугунги глобаллашув шароитида миллий эстраданинг асосий вазифаларидан бири миллий мусикий анъаналарни асраб-авайлаш билан бирга, уларни замонавий ижро ва рақамли технологиялар имкониятлари асосида кенг аудиторияга етказишдан иборат. Шу нуқтаи назардан, миллий эстрада санъати ёш авлоднинг эстетик дидини юксалтириш, миллий маданий меросга ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон маданиятини халқаро майдонда муносиб намоён этишда муҳим омил ҳисобланади.

Миллий эстрада санъати тараққиётини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич XX асрнинг биринчи ярмида миллий сахна санъати шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, унда Тамарахоним ва Уста Олим Комилов каби санъаткорларнинг

хизматлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Иккинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмида Ботир Зокиров томонидан профессионал миллий эстрада мактабининг яратилиши ҳамда вокал-инструментал ансамбллар фаолияти билан характерланади. Учинчи босқич эса мустақиллик йилларида миллий кадриятларни тиклаш, давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш ва рақамли технологияларнинг жорий этилиши билан боғлиқ бўлган замонавий тараққиёт даври ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув жараёнлари миллий эстрада санъатига икки томонлама таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан, жаҳон мусикий тажрибасини ўзлаштириш, халқаро фестиваллар ва рақамли платформалар миллий ижодкорлар учун янги имкониятлар яратмоқда. Иккинчи томондан, оммавий маданиятнинг кучайиши, тижоратлашув ва тезкор оммалашишга интилиш миллий мусикий анъаналар ҳамда бадиий савияга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Зеро бу борада биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган маънавий таҳдидлар одамларни ташвишга солмай қўймайди деган эди. Дарҳақиқат, “оммавий маданият” миллий маданият ва мамлакатимиз келажаги учун раҳна солар экан, ушбу жараёнга бефарқ қараб тура олмаймиз.

Илмий-назорий жиҳатдан, “оммавий маданият” – жамиятда аҳолининг кенг қатламлари орасида ёйилиб, устувор бўлган маданият ҳисобланади. “Оммавий маданият” моҳиятига кўра аҳоли аксарият қисмининг ҳаётини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, замонавий “оммавий маданият”нинг мақсади инсонларни миллийликдан узоқлаштириш, дунёни бир тизимга солиб стандарт ҳолатда, битта оқим бўйлаб ҳаракатланишини таъминлашдан иборат, бўлиб у макон, ёш, жинс ва миллат танламаслик хусусиятига эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, эстрада санъатини ривожлантиришда комплекс ёндашувни қўллаш зарурлигини таъкидлаш ўринли. Шу асосда эстрадашунослик соҳасида фундаментал тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, миллий репертуар сиёсати мазмунини такомиллаштириш, жонли ижро маданиятини қўллаб-қувватлаш, ёш ижодкорларнинг ижодий фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, рақамли технологияларни миллий маданий манфаатларга хизмат қилдириш ҳамда миллий мусикий меросни замонавий ижодий шаклларда оммалаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши миллий эстрада санъатининг барқарор ривожланишига ва унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

2026 йил 1 июнь куни Президентнинг санъат вакиллари билан учрашуви ҳамда 2 июнда қабул қилинган “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон миллий маданият ва санъат соҳасида янги босқични белгилаб берди. Мазкур ислохотлар доирасида ижодий бирлашмалар фаолиятини тизимли йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилиб, Эстрада ижодий бирлашмаси ташкил этилди. Ушбу тузилма миллий эстрада санъатини ривожлантириш, ижодкорларни бирлаштириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, замонавий ижодий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда соҳадаги тажрибали санъаткорларнинг илмий-ижодий салоҳиятидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Шунингдек, ижодий бирлашмалар олдида ҳудудларда ижодий фаолиятни кучайтириш, маҳорат дарслари, танлов ва фестивалларни мунтазам ташкил этиш, миллий санъат намуналарини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш каби устувор вазифалар қўйилди. Бу чора-тадбирлар ўзбек эстрада санъатининг замонавий тараққиётини таъминлаш, миллий мусикий мерос ва янги ижодий йўналишлар уйғунлигини ривожлантиришга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек миллий эстрадаси миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг келгуси тараққиёти миллийлик, профессионаллик,

инноватсион ёндашув ва юксак маънавий кадриятларнинг уйғунлиги асосида таъминланиши лозим. Бу эса ўз навбатида миллий мусиқа маданиятимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.
2. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарор. – 2020.
3. Султонали Маннопов. Ўзбек эстрадасининг юлдузи. “Гулистон” журнали. 2018/2. 20-21 бет.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.
5. Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар тўплами. – Тошкент, 2021.
6. Икромов М.К. “Ўзбекистонда эстрада санъатининг ривожланиши: тарихий йўл ва замонавий ҳолат”. Modern Education and Development. – 2025
7. Визго Т. С. “Музыкальная культура Узбекистана”. – Москва: Советский композитор, 1958.
8. Атаджанов М. (2025). Эстрада қўшиқларида миллий ва замонавий услуб уйғунлиги. Центральноазиатский журнал академических исследований, 3(10), 160-164. <https://doi.org/10.5281/zenodo.17384377>
9. Матякубов О. Ўзбек анъанавий мусиқаси. – Тошкент.
10. Каримов Ҳ., Кароматов Ф. Ўзбек мусиқа тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий ишлар тўплами.
11. Кароматов Ф. М. Ўзбек халқ мусиқа мероси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
12. Юнусов Р. Ю. Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000.
13. Г.Бобоева. Ижодий бирлашмаларнинг йиллик ва истиқболли иш режалари муҳокама қилинди. 07.07.2026 йил. <https://uza.uz/posts/879917>
14. “Ўзбекконцерт” давлат муассасасининг ҳисоботлари.
15. Yunesko. Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Paris, 2003.